



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (13.474)

Баҳоси эркин нарҳда

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ОДАМЛАРГА БАРЧА ЗАРУР ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ЯРАТИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 3 феврал куни пойтахтимизнинг Сергели туманида бўлиб, замонавий уй-жойлар қуриш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича қатор истиқболли вазифаларни белгилаб берган эди. Бу гапни ташрифда ана шу ишларнинг ижросига эътибор қаратилди.

Бугун Сергели туманининг 6-мавзеси улкан қурилиш майдонига айланган. Бу ерда 66 та 7 қаватли уй бунёд этилмоқда. Улар Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади. 2 минг 500 дан зиёд оила янги уйга кўчиб ўтади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимизнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминламоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тизимли ишлар олиб борилаётган. Мазкур қарор асосида қурилаётган уй-жойлар шаҳар аҳолиси, жумладан, ёш оилалар, уйга муҳтож фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қарорга мувофиқ, 2017–2020 йилларда мамлакатимиз шаҳарларида 945 кўп қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган. 2017 йилда 191 кўп қаватли уй барпо этилиши белгиланган. Шундан 102 таси Тошкент шаҳрида бунёд этилмоқда.

Сергели туманидаги қурилиш ишлари учта майдонда олиб борилаётган. 6-мавзедан 66 та етти қаватли уй қурилиши якунланган арафасида. Бошқа майдонлардаги 36 та кўп қаватли уйни қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Уйлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан замонавий қилиб барпо этилмоқда. Шунингдек, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, дам олиш жойлари, поликлиникалар, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилиши режалаштирилган.

Президентимиз ушбу уйлардан бирига кириб, бу ерда яратилаётган шароитлар билан қизиқди.

Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича замонавий тизим яратилди, деди Шавкат Мирзиёев. Бу одамларнинг кўп йиллик орзу-истакларини рўёбга чиқарадиган муҳим йўналиш.

Бу ишларни ўз вақтида бошлаганимизда шундай натижага эриша олармидик.

Соҳадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш, одамлар ҳаёти учун яратилаётган қулайликларни янада ошириш, бунда масаланинг ҳар бир жиҳатига эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Қурилиш ташкилотларининг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, шаҳарсозлик маданиятини ривожлантириш, массивларда манзарали дарахтлар, гуллар экиш масалаларига эътибор қаратилди.

Шу ерда Сергели тумани комплекс ривожлантириш бўйича режалар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Сергели туманида амалга оширилаётган метро қурилиши билан танишди.

Метро жамоат транспорти турлари орасида ўзининг қулай, хавфсиз ва тезкорлиги билан ажралиб туради. 1977 йилда Тошкентда барпо этилган ilk метро линиясининг узунлиги 12,2 километр бўлиб, тўққиз бекатдан иборат эди. Ўзбекистон ва Юносулбод йўналишлари билан Тошкент метрополитени ривожлантирилди ва узунлиги 39 километрга, бекатлари сони 29 тага етди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Сергели туманида метро қуриш ўта мураккаб жараён. Шу боис мазкур йўналишдаги метро ер усти бўйлаб, эстакадалар орқали ташкил этилади. Чилонзор йўналишининг Олмазор бекатидан бошланадиган Сергели йўналишида олти бекат бунёд этилади.

2017–2020 йилларга мўлжалланган мазкур қурилишга 170,1 миллион доллар сарфланади. Узунлиги 7,1 километрни ташкил этувчи мазкур иншоот тўлиқ ишга туширилган, йилига 14 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатиши мўлжалланмоқда. Ўзига хос муҳандислик ечимлари асосида бунёд этилаётган транспорт йўли Чоштепа маҳалласидан ўтиб, Сергели туманининг Йўлдош мавзесидаги Мағриб кўчасигача боради.

Шавкат Мирзиёевга Тошкент метрополитенининг Юносулбод йўналишида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бугун мазкур йўналишнинг Туркистон бекатида пойдевор қуйиш ишлари олиб борилаётган.

Янги қурилаётган метро бекатларининг дизайни, деворларига ишлатиладиган қурилиш материаллари, тасвирлардан намуналар намойиш этилди.

Бекатлар шинам, ёруғ ва гўзал бўлиши, бу бўйича ёш дизайнерлар ўртасида танлов ўтказиш керак, деди Президентимиз.

Сергели туманидаги Кипчоқ кўчаси аҳоли ва транспорт ҳаракатига қулайлик яратиш мақсадида замонавий қилиб кенгайтирилмоқда. Ушбу кўчанинг темир йўл билан кесишган жойида узунлиги 1011, эни 28 метр бўлган йўл ўтказгич қурилиши режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев мазкур иншоот лойиҳаси билан танишди.

Йўл ўтказгич кўчадаги тирбандликни бартараф этиб, автомобиль ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди. Кипчоқ кўчаси Янги Сергели айланма йўли билан Тошкент халқа автомобиль йўлини боғлаб, транспорт ҳаракати учун қўшимча қулайликлар яратди.

Шу ерда ободонлаштириш ишларига ихтисослашган янги машиналар намойиш этилди.

Президентимиз "Паллада инвестмент" кўшма корхонасига ташриф буюрди.

Бу ерда Европа технологияси асосида "Имзо-Аква" бренди остида 20 дан ортиқ турдаги ромлар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар Қозғистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Корхонада мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев корхона лабораторияси, ишлаб чиқариш цехларини кўздан кечирди. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспорт кўламини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Аввал хабар қилинганидек, Тошкент шаҳри атрофида тезорар электрчиқа қатнов йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбари ушбу темир йўл қурилиши лойиҳасини кўздан кечирди.

Электрчиқа икки йўлли бўлади. Каналлар ва қорхона кесишган жойдан эстакадалар орқали олиб ўтилади.

Президентимиз мамлакатимизда бу янги соҳа экани, уни лойиҳалаштиришда илғор ҳориж тажрибасини ўрганиш, шу соҳага ихтисослашган мутахассисларни жалб этиш зарурлигини, энг асосийси, биронта ҳам уй бузилмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлади.

Асосий мақсадимиз – одамларга барча зарур қулайликларни яратиш, деди Шавкат Мирзиёев. Бу йўлни бошқа йўллар билан оқилона боғлаш орқали шаҳар транспорти юкмасини 30-40 фоизгача енгиллаштириш мумкин. Йўналиш ва бекатларни аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, шу билан бирга, шаҳарнинг келгуси ривожланишини инобатга олиб лойиҳалаштириш зарур.

ЎЗА

га бўлган муносабатини намойиш этиш учун қулай имкониятдир.

Танлов якунида қўшиқлари энг яхши деб топилган олий таълим даргоҳларининг вакиллари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шу куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун таъсис этилган «Нихол» мукофотида номзодларни аниқлаш бўйича ўтказилаётган қўриқ-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи қолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловда иштирокчилар эстрада, мумтоз қўшиқ, мусиқа, опера ижрочилиги, рақс санъати каби йўналишлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Қолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Н.УСМОНОВА

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 7-8 июль кунлари Наманган вилоятида бўлди.

Ташрифнинг биринчи куни вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ўзгаришлар, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, истиқболли лойиҳалар билан танишди, халқ билан мулоқот қилди.

Президентимиз Наманган вилоятига ташрифнинг иккинчи куни Наманган туманидаги "MerryMed Farm" масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори фармацевтика соҳасида ҳам ислохотларни янада чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва маъжудларини модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, рақобатбардор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"MerryMed Farm" масъулияти чекланган жамияти хитойлик ҳамкорлар иштирокида ташкил этилган. Корхона фаолияти фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сақлаш, транспорт-логистика, маркетинг жараёнларини тўлалигича ўзида қамраб олган. Иш жараёнига юқори технологик ускуналар ва электрон ахборот-назорат қилиш тизимлари жорий этилган.

Ўсимлик ва синтетик ҳомашдан дорилар воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона импорт ўрнини босувчи 10 фармакологик гуруҳдаги 100 дан ортиқ турдаги дорилар воситаларини ишлаб чиқармоқда.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган қатор солиқ ва божхона имтиёзлари туфайли корхонада сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортиди. Таблеткалар, капсулалар, мазлар, гален маҳсулотлари, суспензиялар, инфузиялар, инъекциялар, курук кукун кўринишидаги антибиотиклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада 300 га яқин ишчи меҳнат қилади.

Шавкат Мирзиёев корхона фаолияти билан танишди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, ишчиларга яратилган шароитлар билан қизиқди.

Соҳани янада ривожлантириш учун дунё тажрибасини ўзлаштириш керак, деди Президентимиз. Бу борада импорт ўрнини босувчи, соҳадаги дорилар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу бозорда бир турдаги дорилар воситалари эмас, турли фармакологик гуруҳдаги дорилар қўнайиши ва импорт ўрнини эгаллашга имконият яратди.

Фармацевтика йўналишида янги корхоналар қуришда аҳоли талабини ўрганиш, мамлакатимиз ҳудудларида турли дорилар воситаларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди.

Мамлакатимизда кексаларнинг ҳаёт даражасини ошириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасида эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон факрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фао-

лиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари "Нуроний" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими янги биноси ва "Нуронийлар маскани"ни бориб кўрди.

Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу ғазилатлардан. Мамлакатимизда ёши улуг инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, нуронийларни эъзозлаган кам бўлмади, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз "Нуронийлар маскани"да яратилган шароитлар билан танишди. Оқсоқоллар билан суҳбатлашди. Суҳбатда ёшлар тарбияси, бошланғич таълим тизимини такомиллаштириш, ёшларда китобхонлик маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи диққат марказида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ёшлар олимпиада маданияти ва истироҳат биносида ташкил этилган Ёшлар ассоциацияси фаолияти билан танишди.

Бу соҳага алоҳида эътибор қаратиш керак. Ассоциацияга ер майдони ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш лозим. Вилоятнинг ҳар бир туманида ассоциация бўлиmlарини ташкил қилиш, уларга маънавий гулчиларни тақдир этиш даркор, деди Шавкат Мирзиёев.

Намангандаги олий таълим муассасаларида бирида махсус факультет ташкил қилиб, гулчилик илминини ёшларга ўргатиш, Ўзбекистон Фанлар академияси билан фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрининг Ислам Каримов кўчасида ташкил этиладиган маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан таништирилди.

Сўнгги йилларда Наманганнинг юрфеҳси янада гўзаллашиб, замонавий турар жойлар, маданият ва истироҳат боғлари барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шаҳарнинг ўйчи кўчасини ободонлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш, реконструкция қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Мазкур кўчада ўн бешта кўп қаватли турар жой биноси ва ўндан зиёд инфратузилма объекти қурилмоқда. Ўтган йилнинг кузида ушбу кўчада Наманган шаҳар 2-болалар ва ўсмирлар мактабининг замонавий биноси фойдаланишга топширилган. Иккита ёпиқ спорт зали ва бошқа зарур хоналарга эга бўлган маъмурада спортнинг қўллаб турлари билан шуғулланиш учун имконият яратилган.

Президентимиз кўп қаватли турар жойларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш, аҳоли учун зарур шароит яратиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

(Давоми 2-бетда)

ЮРТ МАДҲИ ЁШЛАР ИЖРОСИДА

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Д.Набиев ва бошқалар ёшларнинг маънавий тарбиясини тўғри ташкил этиш, интилиши, орзу-мақсадларидан бохабар бўлиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови Ўзбекистонимизни тараннум этиш, навқирон авлодда ватанпарварлик, юртга садоқат, унинг тақдири учун

масъулиятни теран ҳис қилиш каби туйғуларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ватанни мадҳ этувчи бу йилги кўшиқ байрами «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилмоқда.

Мазкур ижодий лойиҳанинг олий ва ўрта махсус таълим тизимида-

ги дастлабки босқичларида 13 мингдан ортиқ талаба-ёш табаррук заминимизни улугловчи кўшиқлари билан қатнашди. Якуний босқичга ижроси энг мукамал деб топилган 14 та олий таълим масканининг вакиллари тақдирланди.

Бу танловда «Жаннат Ўзбекистоним» кўшиғи билан иштирок этдим, – дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Мирзуфар Шарипов. – Мазкур кўшиқ байрами ёшларнинг Ватанга, мустақиллигимизга, тинч ва осийишта ҳаётимиз-

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ерда Наманган шаҳрида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган саккизта 7 қаватли арзон турар жой биноси, Фарғона водийси темир йўллари электрлаштириш концепцияси, Наманган темир йўл вокзалини янгидан қуриш, Республика ихтисослаштирилган кардиология ва эндокринология илмий-амалий марказлари Наманган филиаллари биноларини реконструкция қилиш, уларни малакали кадрлар ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, Қосонсой туманида ёшлар ва ўсмирлар технопarki бунёд этиш лойиҳалари тақдироти бўлди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳрида келаси йили намунавий лойиҳа асосида 18 қаватли турар жой қурилишини, хонадонларни тақсимлашда адолат тамойилларига қатъий амал қилиш лозимлигини қайд этди.

Президентимиз Ўзбекистон Бадий академияси Наманган вилояти бадий ижодкорлар уюшмаси галереясининг реконструкция қилинган биноси ва бу ердаги кўргазма билан танишди.

Галереяни ёшларимиз учун том маънада маърифат масканига айлантириш, миллий анъаналаримизни давом эттирадиган “устоз-шогирд” мактабини яратиш, бундай галереяларни барча вилоятларда ташкил қилиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида машғулотларда қатнашаётган бадий гимнастикачи қизлар ва боксчи ёшлар билан мулоқот қилди.

Бугун ўзбек бокс мактаби вакилларида бутун дунё спортчилари ҳавас қилмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган ёзги Олимпия ўйинларида жаҳонда тенгсиз эканини исботлади. Бундай ютуқларга эришиш учун нафақат замонавий шароит, балки тинимсиз меҳнат, фидойилик, ватанпарварлик ҳам талаб этилади. Сизларга ҳам келгусида катта спортда юксак парвозлар тилаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Ёш спортчиларга совғалар топширилди. Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги “Орзу” маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти, профилактика инспектори яшаш жойи билан танишди.

Орзу маҳалласида Биринчи Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 2014-2016 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 708 уй-жой, маҳалланинг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган. Маҳаллада оталар чойхонаси, савдо шохобчалари, мини футбол майдони, болажонлар учун турли аттракционлар ишлаб турибди.

Бу ерда маҳалла раиси, котиби ва маслаҳатчиси, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар мавжуд. Кутубхона замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, зарур адабиётлар билан таъминланган. Жорий йилда маҳалла биноси ёнида профилактика инспектори учун хизмат уйи қурилди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган илмий ислохотлар жараёнида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ички ишлар органлари ўртасида замонавий ахборот технологиялари қўлланилган ҳолда ўзаро тезкор алоқа ўрнатиш бўйича янги тизим йўлга

қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбари “Орзу” маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори хизмат хонасида ўрнатилган компьютер орқали Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ходимлари билан видеомулоқот қилди.

Профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ҳар бир жиноятни таҳлил қилиш, жиноятчиликни профессионал даражада аниқлаш лозим. Профилактика инспекторлари хизмат уйлари, имтиёзли кредитлар асосида машиналар билан таъминланаётгани улар маҳалланинг ҳар бир хонадони билан самарали ишлашида муҳим аҳамият касб этмоқда, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар Ватанимиз тарққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини яққол намоён этди.

ЎЗА

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон дунё тўқимачилик бозорининг энг фаол иштирокчиларидан биридир.

Юртимизда истиклол йилларида мазкур тармоқ тарққиётига алоҳида аҳамият қаратилгани туфайли у иқтисодиётнинг замонавий технологияларни ўзидан муҳассас қилган илғор жабҳаларидан бирига айланди. Соҳа корхоналари эса энг жозибали бизнес субъектлари сифатида хорижий инвесторлар назарига тушди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланди.

Президентимиз томонидан пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, жумладан,

тўқимачилик комплекси самарадорлигини ошириш, пахта толасидан юкори қўшимча қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда экспорт таркибидида унинг улушини кўпайтиришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ислохотларда дастуруламал бўлмоқда.

– Мамлакатимизда 2017-2018 йилларда енгил саноатни ривожлантириш дастури доирасида қатор истикболли лойиҳалар амалга оширилмоқда, – дейди “Ўзбе-

кенгилсаноат” акциядорлик жамияти бош мутахассиси Содиқ Бобоқулов. – Дастурга асосан 132 инвестицион лойиҳа бажарилиши кўзда тутилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, истиклол йилларида 2,5 миллиард доллар хориж сармояси эвазига 300 дан зиёд йирик инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Тармоқ корхоналари дунёнинг етакчи корпорацияларининг замонавий технологик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш ҳажми таъминланмоқда.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида замонавий ўқув-тадқиқот тўқимачилик технопarki лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг ишга туширилиш муддати 2018 йил сентябрь ойига режалаштирилган.

Матбуот анжуманида янги лойиҳалар самарасида, жумладан, юртимизнинг олис ҳудудларида ўттиз мингга яқин иш ўрни яратилиши қайд этилди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда фуқароларнинг қонунчиликдан хабардорлигини ошириш борасида самарали тизим фаолияти йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори шу мақсадга қаратилган.

ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ ЙЎЛИДА

Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси фаолияти йўлга қўйилгани шу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этишга замин яратди. Зеро, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилишида уларни тезкорлик билан тарқатиш, мазмун-моҳиятини ижрочиларга ва аҳолига тушуңтириш муҳим аҳамиятга эга. Қуни кеча Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ҳам белгиланган вазифалар ижроси қай даражада бажарилаётганига қаратилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси А.Сафеев аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини янада юксалтириш, қонунчиликни мустахкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу ҳудудий комиссия томонидан амалга оширилаётган ишлар, ҳақда адлия идоралари, ички ишлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакилининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш Тошкент шаҳар ҳудудий комиссия томонидан белгиланган вазифалар ижроси юзасидан 2017 йил ярим йиллиги бўйича амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакили томонидан 2017 йилнинг ўтган ярим йилида Идоралараро ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумга асосан, 10 банддан иборат 2017 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, 18 та ташкилотларнинг Тошкент шаҳар бошқармалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент ша-

ҳар Адлия бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси ҳамкорлигида ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан бир қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, Тошкент педагогика коллежида “Ёшлар тарбиясига таъсир кўрсатувчи салбий иллатлар” ва “Одам савдосига қарши курашиш”, Тошкент Иригация ва мелиорация институтида “Гидроанализнинг жамият тарққиётига салбий таъсири” ва “Одам савдоси – давр муаммоси” ҳамда “Болалар давлат ҳимоясида, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунлар моҳияти” мавзуларида илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

– Олмасор туманидаги 58 та маҳалла фуқаролар йиғинида, 31 та умумтаълим мактаби, 16 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда, 18 та тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиникаларда ҳамда 3 та корхона ва ташкилотда ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди ва унда 10093 нафар иштирокчи қатнашди, – дейди комиссия аъзоси Х.Сатторов.

– Жумладан, Тошкент мадраният коллежида “Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ва одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш” мавзусида тадбир ташкил этилиб, унда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилиб, унга қўра одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бир тури бўлиб, дунёнинг кўпгина давлатлари ушбу муаммага дуч келаётганлиги, одам савдоси ўта оғир жиноят ҳисобланади, унинг оқибатида инсон ҳуқуқлари жиддий бузилишига олиб келиши ҳақида жонли мисоллар орқали тушунтириб ўтилди.

Ички ишлар бўлими томонидан ҳам мазкур йўналишга жуда катта эътибор қаратилган бўлиб, ҳозирги кунгача жами 286 та тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, давлат органлари, шаҳар прокуратураси, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда комиссия аъзоларининг тақлиф ва тавсиялари эшитилиб, кейинги вазифалар белгилаб олинди.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА



ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида битирувчиларга мутахассислик дипломларини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, битирувчи ёшларнинг ота-оналари иштирок этди.

Институт ректори С.Юнусов ва бошқалар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги ишлар иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини юксак интеллектуал салоҳиятга эга малакали мутахассислар билан таъминлашдек улур мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бунда дастуруламал бўлмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Марказий Осиёда тўқимачилик, енгил ва пахта саноати соҳаси учун юкори малакали мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ягона олий таълим муассасасидир. Институтида уч мингдан зиёд талаба ўн икки йўналиш бўйича бакалавриятда, ўн етти мутахассислик бўйича магистратурада замонавий таълим стандартлари асосида таҳсил олмақда.

– Институтида малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фаннинг илғор тажрибаларини амалиётга жорий этиш мақсадида жаҳоннинг ўнга яқин мамлакатидида таълим муассасалари билан

ҳамкорлик қилиб келмоқда, – дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори Улуғбек Абдуллаев. – Буюк Британия, Хитой, Германия, Япония, Греция, Жанубий Корея, Россия ва бошқа мамлакатлардаги нуфузли саноат корхоналари ва етакчи компания мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари уюштирилаётгани талабаларнинг соҳага доир билим ва тажрибасини оширишга хизмат қилмоқда. Институтида педагог кадрлари ва иқтидорли талабалари хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув юртилари профессор-ўқитувчилари билан ўзаро тақриб алашиб келмоқда.

Жорий йилда олий ўқув юртини 942 бакалавр ва 124 магистр битирди.

– Институтида замонавий билимларни ўзлаштириш, изланиш учун яратилган шароит ва имкониятлар, фидойи, талабчан устозларимизнинг меҳнатлари самарасида мустақил ҳаётга қадам қўймоқдамиз, – дейди битирувчи Даврон Сатимов. – Аввалдан тузилган уч томонлама шартномага мувофиқ, “Ўзпахтасаноатэкспорт” ҳолдинг компаниясида иш бошламоқдамиз. Мақсади – мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш учун бор куч-ғайрат билан меҳнат қилишдир.

(ЎЗА)



● Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида 2017 йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

● Қаршида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг 2017 йилга мўлжалланган ҳаракат дастури, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи иш режаси ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Зомин туманидаги Ўрикисой оромгоҳида “Ёш ижодкорлар” ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинар доирасида ёш ижодкорлар учун бадий таржима, публицистика, драматургия, шеърят, наср, болалар адабиёти йўналишлари бўйича машғулотлар, маҳорат сабоқлари ўтказилди. Моҳир мутаржимлар, адабиётшунослар, драматурглар билан ижодий учрашувлар, мулоқотларда бугунги адабий жараён ҳақида қизгин фикр алмашилди.

● “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси “Пежо Ситроен” гуруҳи билан ҳамкорликда барпо этаётган автомобиль заводи пойдеворининг тамал тошини қўйишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



● Кучли қурғоқчилик ва жазира-ма иссиқ туфайли илк бор Италия пойтахти Рим шаҳридаги кеча-кундуз ишлаб, ҳавони мўътадиллаштириб турадиган юз йиллик фаввораларнинг ҳаракати тўхтатилди.

● Швейцарияда Европадаги энг катта бир тармоқли аркали кўприк қурилди. “Тамина” номли кўприк Санкт-Галлен қанотидаги Валенс ва Пфеферс қишлоқларини бир-бирига ўзаро боғлайди. Тамина дараси устидан ўтган кўприкнинг баландлиги 200 метр, узунлиги эса 417 метрдан зиёд. Кўприкни бунёд этиш учун 57,5 миллион доллар сарфланди. Кўприк ҳудуддаги транспорт қатнови билан боғлиқ вазиятни анча яхшилади.

● Шахмат бўйича 13-жаҳон чемпионати Гарри Каспаров сиёсий фаолият билан шуғуллангани боис кўп йиллик танаффусдан сўнг яна катта шахматга қайтишини маълум қилди. У илк бор АҚШнинг Сент-Луис шаҳрида 2-12 август кунлари бўлиб ўтадиган тезкор ва блиц шахмат мусобақаларида иштирок этади.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида “Талаба-ёшлар ижодиёти” кўрик-фестивали ҳамда “Очиқ эшиклар кун” ўтказилди.



ЭНГ САРА ИЖОДИЙ ИШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ф.Маъсудов, институт про-ректори Д.Муллажонов ва бошқалар ёшларни қизиқи-ши ва салоҳияти бўйича касбга йўналтириш, қўллаб-қувватлаш, айниқса, санъат ва маданият соҳалари-да иқтидорли ёшларни кашф этиш, ихдоркор йигит-қизларни ҳар томонлама рағбатлантириш давлати-мизнинг доимий эътибори-да эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси-нинг 2016 йил 14 сентябрь-даги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қону-ни бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайти-ришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди.

Кўрик-фестивалга юрти-миздаги қўллаб санъат ва маданият ихлосмандлари

таклиф этилди. Тадбир да-вомида абитуриентлар, ака-демик лицей ва касб-хунар коллежи битирувчилари, уларнинг ота-оналари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти фа-олияти ва ундаги ижодий жараёнлар билан яқиндан танишди. Институтнинг ҳар бир кафедраси ўз фаоли-тига доир кўргазмалар ташкил этди.

– Бу йилги фестивалда институт битирувчиларидан ташқари учинчи курс тала-баларининг ҳам энг сара асарлари намойиш этилди, – дейди институтнинг маъ-навият ва маърифат бўли-ми бошлиғи З.Норқўзиёва. – Мазкур ижодий жараён орқали нафақат талабалар-нинг олган билим ва кўник-маси синовдан ўтказилди, балки мамлакатимиздаги

профессионал театр рах-барлари ҳамда тегишли санъат ва маданият муас-сасаларидан вакиллар иш-тирок этиб, ўз жамоалари учун ёш, иқтидорли кадр-лар танлаб олиш имкония-тига эга бўлди.

Фестивалда бадий ва ғоявий жиҳатдан ранг-ба-ранг сахна асарлари, кино, телевидение, санъатшunosлик, драматургия, мусиқа ва бошқа йўна-лишлардаги ижод намуна-лари намойиш этилди. Кўрик-фестивалга тақдим этилган ишларни таниқли олим ва санъаткорлардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Кўрик-фестивалда ўндан зиёд номинация бўйича ғолиблар аниқланди. Улар-га совғалар топширилди.

(ЎЗА)

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши Президентимизнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга оширишда партия ташкилотлари олдига турган долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати ташкил қилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

“ИСТИҚБОЛ” ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва “Истиқбол” ёшлар қано-ти фаоллари, Бандлик ва меҳнат му-носабатлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ногиронлар ва Кўзи ожизлар жамиятлари, Касаба уюшма-лари федерацияси вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик пар-тияси марказий кенгаши раиси ўринбо-сари У.Вафоев ва бошқалар Прези-дентимиз ташаббуси билан Ўзбекис-тон ёшлар иттифоқи ташкил этилган-ни, 30 июнь Ёшлар кун, деб эълон қилинган ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг, уларни қўллаб-қувватлашнинг, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишнинг амалдаги ифодаси экани-ни таъкидлади.

Президентимиз ёшлар қурултой-ида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ол-дига қўйган долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш бўйича аниқ ва-зифаларни белгилаб бергани сиё-сий партиялар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклаганида. Мазкур тад-бирдан кўзланган асосий мақсад – Президентимизнинг мазкур тарихий маърузаси мазмун-моҳиятини партия фаоллари, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, партия электо-рат бўлган жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга му-ҳтож ёшларни жамиятнинг фаол ёшлари сафига қўшишда кўмакла-шиш, уюшмаган ёшларнинг сиёсий-

ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат.

Тадбирда ёшлар бандлигини таъ-минлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича партия ташкилотла-ридаги “Истиқбол” ёшлар қаноти ма-салага кенгроқ ёндашиши керакли-ги таъкидланди. Бу борада жойлар-да олиб борилаётган ишларни аниқ мақсадга йўналтириш, ўтказилаётган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, ёшлар муаммоларини чуқур ўрганиш ва уларни ҳал қилишга ама-лий ёрдам кўрсатиш лозимлиги ай-тиб ўтилди.

– Давлатимиз раҳбарининг ёшларга қарата билдирган ишонч ва қатъий бағишловчи фикрлари биз, ёшларни руҳлантириб юборди, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Еш сиёсатчилар” клу-би фаоли Хонзода Холматова. – Президентимиз ёшларга кенг имко-ниятлар бериш билан бирга, ҳар бир ёш авлод мана шу эътибор ва ғамх-ўрликка муносиб бўлиб, эл-юрт ол-дидаги бурчини бажариши лозимли-гини таъкидлади. Бу ишонччи оқлаш, мамлакатимиздаги ислохот-ларда фаол иштирок этиш доимий бурчимиздир.

Тадбирда партия тизимида ёшлар масаласида олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди. “Истиқбол” ёшлар қаноти фаолиятини тубдан та-комиллаштириш бўйича таклиф ва та-всиялар ишлаб чиқилди.

Г.САТТОРОВА

Аслида дунёда ҳамма давлат ҳам ўз эҳтиёжини қондирадиган даражада асосий истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқара олмайди ёки унга тайёр ҳам эмас. Мавжуд ҳолат, меҳнат ресурслари камлиги, хомашё захиралари етишмаслиги бунга тўсқинлик қилади. Аммо ана шу жиҳатлар ҳам бўлган давлат борки, унинг иқтисоди ривожланган, ички ва ташқи бозор талабларига мос равишда маҳсулот ишлаб чиқариб, экспорт қилаёпти ҳам.

Жумладан бизнинг давлатимиз ҳам шулар қаторига ки-ради. Маҳсулот сифати, унинг рақобатдорлиги, дунё стандартлари талаблари даражасида ишлаб чиқарилиши эса бозорнинг бош талабидир. Шу боис ҳам биргина иш-лаб чиқарувчи тадбиркор эмас, унга хиз-мат кўрсатувчи ташкилотлар зиммаси-га ҳам катта вазифалар юкланапти. Боиси, дунёнинг қўллаб-қувватларида ўзбек тадбиркори, деҳқони ишлаб чи-қараётган маҳсулотларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Демак, маҳсу-лот сифатига нисбатан масъулият ор-таёпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2017 йил 28 апрел-даги “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини тақомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгилаб берилган вазифа-ларнинг асосини ҳам ана шу масъули-ят, унинг измида дунё бозорига чиқ-арилаётган маҳсулотларимизнинг сифа-тини янада яхшилаш мужассам десам, муболаға бўлмайди.

Қарорга кўра Ўзбекистон стандарт-лаштириш, метрология ва сертификат-лаштириш агентлиги олдига турган ус-тувор вазифалар этиб маҳаллий маҳ-сулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентлар-ни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш, жаҳон бозорига унинг ра-қобатдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини биринчи навбатда экс-порт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларининг халқаро стандартларга мувофиқлиги-ни сертификатлаштиришни амалга ошириш асосий вазифалардан этиб белгиланди.

Экспортчи корхоналарга маҳсулот-ларни сертификатлаштириш масалала-рида қулай шароитларни яратиш, мил-лий сертификатлар ва мувофиқлиқни баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олиншига йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш ҳам агентлик олдигаги вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилди. Мазкур қарор билан 2017-2020 йилларда “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш ва иш сама-радорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг қабул

қилиниши эса агентлик синов лабора-ториялари ва ҳудудий марказларини замонавий юқори аниқликдаги ўлчаш ва синов ускуналари билан қайта жиҳоз-лаш ва модернизация қилишни давом эттириш, 2 мингдан ортиқ халқаро стан-дартларни босқичма-босқич қабул қилиш орқали стандартлаштириш бўйича уларнинг меъёрий ҳужжатлар миллий фондидаги улушини икки ба-робарга ошириш вазифаси юклатилди. Шунингдек, 9 мингдан ортиқ корхонада халқаро стандартларга мос келадиган

лик қошида “Ўзбекистон миллий метро-логия институти” ташкил этилиши бу борада кескин ўзгаришларга эришиш кутилмоқда. Унинг асосий вазифалари-дан бири сифатида тегишли вазирлик ва идораларга Парижда имзоланган Метрик конвенцияга қўшилиш масала-сини ўрганиб ҳукуматга таклиф кири-тиш лозимлиги белгиланди. “Метроло-гия тўғрисида”ги қонуннинг янги тахри-ри, “Катталар билликлари қўллаш тўғрисида”ги ҳукумат қарори, Метроло-гия соҳасида қатор норматив, норма-

салалар мавжудлиги айнан соҳани ри-вожлантиришнинг бош масаласи сифа-тида қаралмоқда. Жумладан, агентлик-нинг ташкилий тузилмаси халқаро та-лабларга мос эмаслиги, юкланган ва-зифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаб беришга тўсқинлик қилаёт-гани аниқ кўрсатиб ўтилган. ISO халқа-ро ташкилотни стандартларини қабул қилиш борасидаги фаолият лозим да-ражада ташкил этилмагани, стандарт-лаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар миллий фондида ушбу ташкилот стан-дартлари 13 фоизни ташкил этаётгани ҳам бугунги кун талабига жавоб бер-майди. Яна бир жиҳати, агентлик то-монидан халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича рес-публикамиздаги корхоналарга услубий ёрдам кўрсатиш етарли даражада таш-кил этилмагани, республикамизнинг мавжуд эталонлар базаси айрим сано-ат тармоқларида фойдаланилаётган юқори аниқликдаги асбобларнинг мет-рологик текширувини тўла қамраб олиш имконини бермаётгани ҳам қарорда таъкидлаб ўтилган.

Айниқса, қарорда янгидан ташкил эти-лаётган “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонасига истисно тариқасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, эталонларни тайёрлашга ихти-сослашган етакчи хорижий метрологик ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали эталонлар ва энг юқори аниқликдаги ўлчов воси-таларини харид қилиш рухсати берил-гани соҳа ривожига катта хисса қўшади. Бундан ташқари ушбу қарорнинг ижро-си билан аввало миллий стандартлар-ни халқаро талаблар билан мослашти-риш ҳамда замонавий сифат менежмен-ти тизимларини кенг жорий этиш асо-сида маҳаллий маҳсулотларнинг рақо-батдорлигини ошириш ва ташқи савдо-даги техник тўсиқларни бартараф этиш баробарида, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда миллий лаборатория-лар томонидан амалга оширилган ўлчаш ва синов натижаларининг чет элларда тан олинши учун асос яратилади. Шу-нингдек, саноат тармоқларида қўллани-лаётган юқори аниқликдаги асбоблар-ни тўлиқ метрологик текширувдан ўткази-ш, бир қатор эталонлар ва энг юқори аниқликда ўлчаш воситаларини харид қилиш орқали миллий корхоналарнинг хорижий мамлакатлар метрология ин-ститутига боғлиқлигини камайтириш имконини беради.

Вафо ЛАТИПОВ, “Ўзстандарт” агентлиги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти директори

Қарор ва ижро

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ

сифат менежменти тизимларини жорий этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси эканлиги қайд этиб ўтилган.

Агентлик лабораторияларини халқаро даражада тан олинган ташкилотлар-да аккредитация қилиш йўли билан уларда ўтказилган синов натижалари-ни жаҳон миқёсида тан олинши учун шарт-шароитлар яратиш ҳам қарорда белгиланган. Миллий стандартларни халқаро талабларга мослаштириш ва замонавий сифат менежменти тизим-ларини кенг жорий этиш асосида ма-ҳаллий маҳсулотлар рақобатдорлигини ошириш ва ташқи савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш, маҳсулот-ларни экспорт қилишда миллий лабо-раториялар томонидан амалга оширил-ган ўлчаш ва синов натижаларининг чет элларда тан олинши учун асос яра-тишга қарорда алоҳида эътибор қара-тилган.

Президентимизнинг мазкур қарори-да соҳада халқаро ҳамкорликни ривож-лантириш, ҳодимлар салоҳиятини оши-риш ва унинг фаолиятига ахборот-ком-муникация технологиялари жорий эти-лишини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, агентликнинг “Штрихли кодлаш” бўлими “Штрихли кодлаш ва ахборот тизимлари маркази” давлат корхонасига айлантирилди. Дунё тажрибасидан келиб чиқиб агент-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-га ўзгартиришлар киритиш лозимлиги қарорда қайд этилган. 2017-2021 йил-ларда давлат бюджетни ҳисобидан қарий 4 млн. АҚШ доллар миқдори-даги эталонларни харид қилиш эса йи-рик замонавий лабораториялар ташкил этиш, уларни тақомиллаштириш ҳамда масса лабораториясини BIPM талаблар-и асосида аккредитация қилиш имко-нини яратди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон миллий мет-рология институти қонунчилиқни, норма-тив-ҳуқуқий ҳамда норматив базани ҳамда Миллий эталонлар базасини та-комиллаштириш, илгор халқаро тахри-ба асосида мамлакатда метрологик ку-затувчанлиқни таъминлаб беришни ўзи-нинг устувор вазифаси сифатида бел-гилаб олди.

“Ўзбекистон мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш мар-кази” ва “Республика синов ва сертифи-катлаштириш маркази” давлат корхона-сини қайта ташкил этилиши соҳа ва унинг фаолиятини тубдан ўзгариради, десак муболаға бўлмайди.

Диққат, танлов!

“ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛА” КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг хотирасини, унинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритишга, миллий давлатчилигимизни қуришга қўшган улкан ҳиссаси ва Ислам Каримов шахсининг тарихий ролини абадийлаштириш, шунингдек, унинг меросини оммалаштириш мақсадида “Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола” кўрик-танлови ўтказилади.

Кўрик-танлов ташкилотчилари – Ўзбекистон Мил-лий телерадиокорпорацияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви акаде-мияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазир-лиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар акаде-мияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қув-ватлаш “Нуроний” жамғармаси, Республика “Ма-ҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахбо-рот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги, Ўзбе-кистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбе-кистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ме-морил мажмуа.

Кўрик-танловга бир босқичда Ислам Каримовнинг 80 йиллиги арафасида ўтказилади.

Кўрик-танловга 2016-2017 йилларда республика ҳамда хориж газета ва журналларида чоп этилган, интернет нашрларида берилган материаллар 2017 йилнинг 31 декабрига қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофот-лар таъсис этилган:

“Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола” кўрик-тан-лови ғолиби махсус диплом ва Ўзбекистон Рес-публикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдир-ланади.

Иккинчи ўринни олган иккита иштирокчи дип-лом ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдо-рида пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган учта иштирокчи диплом ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Шу билан бирга, кўрик-танлов ташкилотчилари ра-ғбатлантирувчи мукофотларни ҳам таъсис этган.

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловга тақдим этилган илмий-оммабоп мақолаларни баҳолашда қуйидаги мезонлар қўлла-нилади:

– Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мустақиллиқни қўлга киритиш-га, миллий давлатчилиқни қуришдаги тарихий роли ва улкан ҳиссаси ёритиб берилганлиги;

– Ислам Каримовнинг буюк шахс, эркин фуқаро-лик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат асосчиси ва бунёдкори сифа-тидаги ҳаёти ва серкирра фаолияти ёритиб бе-рилганлиги;

– тарихий ҳақиқатга тўғри келиши;

– илмий манбалардан кенг фойдаланганлиги;

– юқори илмий, бадий савияда ёзилганлиги;

– кенг китобхоналарга мўлжалланганлиги.

Кўрик-танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

– муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

– муаллифнинг турар жойи ҳақидаги маълумот-лар, уй ва иш телефонлари рақамлари;

– муаллифнинг паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш ма-росими 2018 йил 30 январь – Ислам Каримов та-валлуд топган кунга ўтказилади.


Материаллар “Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақо-ла” кўрик-танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100163, Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 1/1-уй.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузу-ридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа.

Маълумот учун телефон рақамлари: 239-53-91.

Электрон почта манзили: immm@mail.uz;

majmua@mail.uz.



Спорт янгиликлари

“ПАХТАКОР” ТАЙЁРГАРЛИКНИ БОШЛАДИ

Пойтахтимиздаги “Жар” стадионида “Пахтакор” иккинчи даврага ҳозирлик кўришни бошлади.

Шота Арвеладзе ва мураббийлар штаби бошчилигида “шерлар” иккинчи даврага тайёргарликни бошлади. Биринчи даврада асосий таркибда ўйнаган деярли барча футболчи ва жамоа сафига янги келиб қўшилган

ўйинчилар унда иштирок этишди. Маҳоратли ярим ҳимоячи Жамшид Искандеров яқка тартибда шуғулланган бўлса, Станислав Андреев Эрон билан ўйинда орттириб олган жароҳати сабабли машғулотларда қатнашмади.

Дастлаб Ласло Ямбор машқлари билан қизиқиш олган футболчилар кейин ўйин давомида эътибор қаратиладиган ҳолатлар юзасидан тер тўкишди. Дарвозабонлар билан туркиялик мутахассис Иброҳим Йилмаз шуғулланди.

Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон кубоги 1/4 финалининг дастлабки баҳслари бўлиб ўтди.

ДАСТЛАБКИ ЯРИМ ФИНАЛЧИ МАЪЛУМ

Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: “Насаф” — “Кўкөн-1912” — 4:1, “Динамо” — “Машъал” — 0:1, “Нефтчи” — “Бунёдкор” — 1:2, “Бухоро” — “Локомотив” — 0:0.

Яқинда “Машъал” — “Динамо” жамоалари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги 1/4 финалининг жавоб учрашуvidан кейин дастлабки ярим финалчи номи

маълум бўлди. “Машъал” — “Динамо” беллашувида самарқандликлар 2:1 ҳисобида зафар қучган бўлсаларда, ўз майдонларида 0:1 ҳисобида биринчи баҳсдаги мағлубиятлари сабаб кубок учрашувларидан чиқиб кетишди. Дастлабки ярим финалчи “Машъал”нинг навбатдаги рақиб қайси жамоа бўлиши кейин маълум бўлади.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Осиё футбол конфедерацияси томонидан Осиё чемпионлар лигаси чорак финал дастлабки ўйинларида фаолият олиб борадиган ҳакамлар рўйхати эълон қилинди.

Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайти хабарига кўра 22 август куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида “Шанхай СИП” ва “Гуанжоу Эвергранд” клублари ўртасида Осиё чемпионлар лигаси чорак

финал учрашуви бўлиб ўтади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу муҳим учрашувда ҳамюртларимиз ФИФА реферилари — Ильгиз Танташев ва Руслан Серазитдинов фаоли-

ят олиб боради. Ильгиз Танташев ўйинда дарвоза ортидаги ҳакам вазифасини бажарса, Руслан Серазитдинов захира ҳаками этиб тайинланган.

Ақбар Йўлдошев

Миллий чолғуларимиз қадимги Шарқ маданияти асосида шаклланиб, кўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос хусусиятларни нозик товушлар орқали сақлаб қолган. Жумладан, анъанавий дутор чолғуси ҳам ижрочилик амалиётида қўлланилиб бизнинг давримизгача етиб келган.

Дарҳақиқат, миллий соғломлик ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлиб, соз ижрочиларининг сероҳанг жарангдор садолари тингловчилар қалбига руҳий ором бахш этиб келган. Хусусан, дутор ҳақидаги илк маълумотлар XV асрда Ал-Хусайнийнинг мусика ҳақидаги рисолисида ёритилган.

Дутор сози аслида қадимий мизроб-ли чолғулар оиласидан тарқалган бўлиб, кейинчалик миллий чолғулар сифатида турли халқлар орасида ўзгача номланган ва созадчилик амалиётида оммалашган. “Дутор” “икки тор” атамасининг келиб чиқишига шаклан ўхшаш торли созлардан фарқлаш асосий сабаб бўлган. Дуторга ўхшаш чолғулар озарбайжон, грузин, қирғиз, қозоқ ва хитойликларда кенг тарқалган. Мусикашунос олим-тадқиқотчиларнинг таърифларига кўра, мусика созлари — дутор, дўмбира, қобузни деярли барча хонадонларда учратиш мумкин эди. Бу шундан далolat берадики, халқ маданияти-маънавий ҳаётида миллий созлар катта таъсирини кўрсатган. Ҳар бир ўзбек хонадони-

нинг тўрида созлардан ҳеч бўлмаса дутор осиглик турган. Чунки дуторни чертиб, кўпчиликни хурсанд этиш назарда тутилган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, дутор сози янада оммалашади ва ижрочилик санъати ривожланади. Шу тарихи дутор ижрочилик санъати тари-

сида моҳир ижрочилик авлодининг давомчиларидан тошкентлик Абдусамат Илёсов, Абдураҳим Ҳамидовлар етишиб чиқдилар. Созандачилик санъати тарихида дутор созида мақом туркум асарларни ижро этиш устоз Фахриддин Содиковнинг ижро услубини ривожланти-

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

хиди ўчмас из қолдирган машҳур соз усталари етишиб чиқди. Шу ўринда Ҳожи Абдулазиз Расулов, Абдуоат Вохобов, Қўзихон Мадрахимов, Уста Рўзимат Исабоев, Муҳиддин Ҳожи Нажиmiddinov, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиков, Мавлуда Аъзамова, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалқ Қосимов ва Ҳожиқон Болтаевларнинг номларини келтириб ўтишни лозим деб топдик. Анъанавий дутор

риш Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолияти билан бевосита боғлиқдир. 1972 йили профессор Фаёулло Кароматов ташаббуси билан консерваторияда “Анъанавий ижрочилик” кафедраси ташкил топди. 1977 йилга келиб Анъанавий дутор синфини тамомлаб чиққан Абдураҳим Ҳамидов ушбу кафедрада иш фаолиятини бошлади. Уша йилларда устоз Абдураҳим Ҳамидов ўқитувчи-

Мана болажонларнинг энг сеvimли, орзиқиб кутган фасли — ёз ҳам келиб, чилланинг авжи бошланди. Шу боисдан юртимизнинг сўлим гўшаларида, дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шарт-шароитлар яратилди.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ!

Йил давомида йиғилиб қолган чарчоқни чиқариш учун бу айни кўнглидаги иш албатта. Таълим-тарбия жараёнида ҳисобланган мактабларда оқилган оромгоҳлар ҳам ўз бағрига болажонларни қорлайди. Ана шундай таълим масканларидан бири Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактабидир. Эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда фаолият юритаётган оромгоҳ ҳақида мазкур мактаб директори Гавҳар Зухурова шундай дейди:

— Оромгоҳимизда асосан бошланғич синф ўқувчилари турли хил тўғаракларга қатнаб, бўш вақтларини унумли ва фойдали ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда бадий ўқиш, расмчилик, спорт тўғараклари мавжуд бўлиб, ўқувчилар жадвал асосида ўзларини қизиқтирган тўғаракларга қатнашмоқда. Спорт тўғаракларида шахмат, шашка, теннис, стол тенниси ҳамиша ўқувчи-ёшлар билан гавжум. Ҳафтада 2-3 мартаба болажонларни чиниқтириш мақсадида сузиш ҳавзаларига олиб борилади. Ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари

учун уларнинг ёшига мос бўлган фильмлар кўйилаётганидан жуда мамнун бўлишмоқда. Оромгоҳда турли хил эстафеталар, мусобақалар, танловлар ўтказиб турилади. Болаларимиз кутубхоналарга аъзо бўлишган. Бу эса уларга ўзлари севган ижодкорнинг асарини исталган вақтда ўқиш имконини беради.

Оромгоҳда мактаб ўқитувчилари ҳам фаол, кўнглили ёрдамчилар сифатида иш олиб боришмоқда. Ёш, иқтидорли ўқитувчи Ақром Раҳмонов оромгоҳ раҳбари сифати-

да фаолият юритиб, болажонларнинг яхши дам олишлари учун барча имкониятларни ишга солимоқда. Ҳар куни 100-120 га яқин болалар 9.00 дан 11.00 гача бири-биридан қизиқарили бўлган машғулотлар, мусобақа ва бадий кечаларда иштирок этиб, оромгоҳда бўлиб, таътилни кунлари мазмунли ва мароқли ўтказишмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юртимизда ёз шуккуҳи кезиб юрган паллада ўғил-қизларнинг таътил вақти сермизмун ўтиб, ўқув йилига янги куч йиғишларига яхши имкондир. Ёз ҳамиша ўзига хос ва беқиёслиги билан сеvimли фасл эканлиги шубҳасиз.

Миробид МИРСОДИКОВ,
ЎЗМУ журналистика
факультети 1-босқич
талабаси

Реклама ва эълонлар

“Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Гулобод мавзеси, 266-уй, 29-хонадонда яшовчи Қасимова Шарипа Асамовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи томонидан 2011 йилда Мустафоев Сарвар Музаффар ўғли номига берилган L № 121492-сонли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“101”

АСОСИЙ ИШИМИЗ — ПРОФИЛАКТИКА

Доно халқимизда ўт балоси, сув балосидан асрасин, деган нақл бор. Унинг туб маъноси ёнғиннинг “тилсиз ёв” эканлиги, қутилмаганда, тўсатдан юз берувчи бу офатнинг ноҳуш оқибатларга олиб келишига ва бундан доимо эҳтиёт бўлиш лозимлигига ишорадир.

Афсуски, амалга оширилаётган саъй-ҳарақатларга қарамадан, айрим кишилар онгида “бу менга тааллуқи эмас”, “мен билан бундай бўлмайди”, деган қарашлар ҳали ҳам мавжуд. Ёнғин шундай офатки, уни қачон ва қаерда пайдо бўлишини ҳеч ким билмайди. У қутилмаганда пайдо бўлади ва инсонлар ҳаётига жиддий хавф солади. Ёнғинга қарши курашининг энг яхши йўли — олдини олишдир.

Таълим муассасалари ва уларда таҳсил олаётган ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш ҳам бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги йўналишидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада таълим муассасаларида ёнғин келиб чиқиш хавфи юқори бўлган хоналар сирасига физика, кимё лаборатория хоналари ва меҳнат хоналари ҳисобланади. Бунга сабаб сифатида ушбу хоналарда ёнғувчи модда ва материаллар, алангаланувчи суюқлик ва газлар билан, газ горелкаси, спирит лампа, электр плита ва бошқа ускуналар билан бево-сита алоқада бўлинишини келтириш мумкин. Таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда эвакуация йўллари ва меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бера олишидир. Бу ёнғин содир бўлганда инсонлар ҳаёти ва саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Гульмира МАРДАНОВА,
26-ҲЕХК кичик инспектори,
сержант

Олов билан юзма-юз келиш, зарур бўлганда жон фидо қилиш айтишга осон. Ҳар хил ноқулай ва мураккаб шароитларда ҳўлу қуруқни баравар ямлаётган ўт билан олишиш қанчалик мардлик, чапдастлик, жасорат талаб қилишини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари ана шундай ҳар қадиқада жасорат, фидойилик талаб қиладиган, таҳликали касбни дил даъвати билан дадил танлашган. Бу касб кишилари муқаддас бурчларини адо этиб, керак бўлса жонларини ҳам фидо қилишади. Мазкур соҳа вакиллари томонидан ёнғинларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаш, содир бўлган ёнғинларни тезкорлик билан бартараф этиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида ижобий натижаларга эришмоқда. Ўтган йиллар давомида республикада ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлган ёнғинларни тезда бартараф этиш ҳамда моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш орқали ўзингиз, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўлишингизни унутманг!

Темур МАДУМАРОВ,
24-ҲЕХО 8-ҲЕХ а/п смена бошлиғи, майор

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳодимлари ҳамжиҳатлик билан жасорат кўрсатиб, меҳнаткаш халқимиз ҳаёти, мол-мулк, миллий бойлигимизни табиий офат, фалокат ва ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишаётир.

Бу эса ўзининг ижобий самарасини бериб, йилдан йилга республикамиз ҳудудида бўлаётган ёнғинлар сонини қисқартиришга олиб келмоқда. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири турли сабаблар оқибатида юзга келувчи “тилсиз ёв” бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, шунингдек, огоҳлик ва ҳушёрликни оширишдан иборат. Айрим фуқаролар ўз уйларида эътиборсизлик ва масъулиятсизлик, аниқроғи табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилмасликлари оқибатида ёнғин билан боғлиқ кўнглисизликлар келиб чиқмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнинг, уй-жойингизни ёнғиндан асраган бўласиз.

Ҳисомиддин ГАЗИХАНОВ,
12-ҲЕХО 24-ҲЕХК кичик инспектори, сафдор

Тошкент оқшом

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта-тими»га — 233-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5233 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 01.20